Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 26 (8766). ● 2 февраль, 1986 йил ● ЯКШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум **И. Б. Усмонхўжаевни** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

В. П. Анишчев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Антонов, А. С. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар.

В. Н. Лобко Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди, қурилиш бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Т. А. Алимов, В. А. Головин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, К. Саликов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари қилиб сайландилар.

П. В. Догонкин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси этиб сайланди ва ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, В. К. Михайлов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирларини тасдиқлади: пропаганда ва агитация бўлими мудирлигига **С. Қурбонов**, фан ва ўқув юртлари бўлими мудирлигига **Н. Тўхлиев**, маданият бўлими мудирлигига **Д. Т. Мадикаримова**, маъмурий органлар бўлими мудирлигига **Д. А. Усатов**, ахборот ва чет эл алоқалари бўлими мудирлигига **Э. Қ. Ҳайитбоев**, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирлигига **В. И. Плетнев**, сув хўжалиги бўлими мудирлигига **В. И. Сускин**, экономика бўлими мудирлигига **Ш. Ҳожимуротов**, савдо ва маиший хизмат бўлими мудирлигига **Б. И. Бугров**, оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудирлигига **С. А. Асриянц**, транспорт ва алоқа бўлими мудирлигига **П. М. Абдурахмонов**, умумий бўлим мудирлигига **Қ. Тоиров** тасдиқланди. **Р. Ҳ. Абдуллаев** партия комиссиясининг раиси, **З. Ҳайдаров** ишлар мудири этиб тасдиқланди.

Пленум **Л. П. Қаюмовни** «Совет Ўзбекистони» газетасининг, **Г. Г. Неклессани** «Правда Востока» газетасининг, **Ш. Ниёзовни** «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг, **Н. А. Умеровни** «Ленин байроғи» газетасининг, **А. Ғ. Мухторовни** «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редакторлари этиб тасдиқлади. **Р. А. Нуруллин** «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг, **Б. Юсупов** «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош редакторлари этиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари **В. А. Аболенцев**, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари **И. Е. Пономарев** қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида сайланган Ўзбекистон Компартияси Ревизия Комиссиясининг мажлиси бўлди. **М. А. Зондов** Ўзбекистон Компартияси Ревизия Комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг
ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Съездимиз Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг новаторлик қарорларини, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини яқдилик билан қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини янги куч билан намойиш этди.

Съезд делегатлари ўз нутқларида ишни яхшироқ олиб бориш, вазиятни равшанроқ фаҳмлаш ва баҳолаш, ишдаги камчиликлар, хатолар ва нуқсонларни тезроқ тугатиш зарурлигини уқтириб ўтганликлари тасодифий эмаслигини таъкидламоқчиман. Дарҳақиқат, съезддаги катта ва ошкора фикрлашувимизни якунлар эканмиз: ҳозир бизга партиявий иш услубининг форма ва методларини қатъият билан қайта қуриш, мадҳиябозлик, бепарволик ва дабдабабозликни тугатиш жуда зарур, деган хулосага бенхтиёр қайта-қайта келасан киши. Биз ўз фаолиятимизни холисона баҳолаб, ҳамиша ва ҳар ишда чинакам ҳақиқатга қараб иш тутганимиздагина олға ҳаракат қила оламиз. Ленининг бу васияти турмушимизнинг нормаси бўлиб қолиши лозим.

Съезд делегатлари республиканинг 640 минг коммунисти иродасини ифодалаб, партиянинг съездолди программавий ҳужжатларини маъқуллаганликлари, республика партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, турмушимизнинг ҳамма соҳаларида маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказаётган ишни қўллаб-қувватланганликлари ҳам принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз ҳамма ишларимизни КПСС Марказий Комитетининг ленинча миллий сиёсатни узлуксиз амалга ошириш, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисидаги оталарча эътибори ва меҳрибонлигини доимо ҳис қилиб турганлигимизни делегатлар таъкидлаб ўтишди. Бундай эътибор муваффақиятли равишда олға силжишимизнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Съезд делегатлари Марказий Комитетнинг собиқ биринчи секретари Ш. Рашидовнинг яроқсиз иш услубини, ўтмишда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган жиддий хатоларни, салбий ҳодисаларни, партия ички турмушининг устав нормалари, раҳбарликнинг коллегиаллиги, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принциплари бузилганлигини қораладилар.

Айни вақтда ҳозир ўзининг уқувсизлигини, фаолиятсизлигини ва ташаббуссизлигини ўтмиш хатолари билан яширишга уринаётган кишиларга шафқатсиз баҳо берилди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда ва съездимизда бу ҳақда ўткир ва принципиал гаплар айтилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялар ва съездимиз умуман танқидий мазмуни, ўртада турган вазифаларни ҳал этишга амалий ёндашиши билан ажралиб турди.

Шу билан бирга адолат юзасидан шуни тан олиш керакки, ҳамма жойда ҳам мавжуд камчиликлар ишчанлик билан танқид қилинмаганини, ҳамма ҳам умумий ишимиз учун жонкуярлик қилмаётганини ҳисобот-сайлов кампанияси кўрсатди. Айрим жойларда ва баъзи кишилар ўртага қўйилган мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни кўзлаб эмас, балки номигагина танқид қилиш, баландпарвоз сўзларни айтиш учунгина танқид билан чиқдилар. Ҳозир бизга баландпарвоз мулоҳазалар эмас, балки ишдаги конкретлик, партия, бутун мамлакатимиз ҳаётидаги ҳамма нарсаларга астойдил дахлдорлик туйғуси керак деган яқдил фикрга келдик.

Съездда ҳозирги камчиликлар, нуқсонлар, фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар ҳақида жуда тўғри гапирилди. Менинг шаънимга, Марказий Комитет бюроси, Марказий Комитетнинг бўлимлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, бошқа республика органларининг раҳбарлари шаънига ҳам юзхотир қилмай, баъзан кескин, аммо айни вақтда холисона танқидий гаплар айтилди.

Мана шундай талабчанлик билан ёндашиш — республика партия ташкилоти соғломлиги ва куч-қувватининг, у янгичасига, замонавийчасига ишлаш ва ҳаракат қилишга, партия ички турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишга азму қарор берганлигининг ҳаққоний нишонасидир.

Марказий Комитетнинг янги состави, аввало бюро ва секретариат съезд қатнашчиларидан тушган ҳамма таклиф ва мулоҳазаларни жуда синчиклаб ўрганишлари ва умумлаштиришлари, уларни доимий контрол остига олишлари, конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг амалга оширилишига эришишлари лозим.

Съезд делегатлари республикада барпо этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини ошириш учун ҳар биримизнинг шахсий масъулиятимизни кучайтиришга кўпроқ эътиборни қаратдилар. Биз буни ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир меҳнатчи онгига етказишимиз керак. Уларга съезднинг муҳитини айтиб бериш билангина кифояланмасдан, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва жамоат турмушида шахсан актив қатнашиб, ишга ижодий муносабат намунасини кўрсатишимиз ҳам лозим. Ҳар биримиз имкони борича кўпроқ ташаббус, имкони бир фикрга кўпроқ принципиаллик ўз партиявий бурчимизни юксак даражада англаш намунасини кўрсатишимиз, партиянинг сиёсий йўлини муттасил турмушга татбиқ этишимиз, салбий ҳодисаларга қарши муросасиз курашишимиз керак.

Биз ўн иккинчи беш йиллик режаларини бажаришга киришдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ муайян ишларни бошлаб қўйдик. Ўтган ой мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,5 процент, меҳнат унумдорлиги эса 4,2 процент ошди. Плондан ташқари 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бир қанча меҳнат коллективлари, Зарафшон ва Янгийўл шаҳарлари, Наманган области Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Вазифа илғорларнинг тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантиришдан, дастлабки кунлардан бошлабоқ зўр ғайрат билан иш бошлашдан, ҳафсала билан ишлашдан, ишлаб чиқаришнинг аниқ маромини, қучайиб борувчи суръатини таъминлашдан иборат.

Афсуски, ҳамма ҳам белгиланган топшириқларни уддалай олмаяпти. Ҳозир план ва меҳнат интизомини бузиш, шартномада кўзда тутилган маҳсулотларни етказиб бермаслик, ишдаги сифатнинг пастлиги ва маромнинг бузилиши каби ҳолларга айниқса тоқат қилиб бўлмайди.

Биз капитал қурилишда ҳам мураккаб вазифаларни ҳал этишимиз керак. Ҳолбуки январь ойининг якунлари йил бошида қурувчилар ишлай бошлаган суръатларни анча жадаллаштириш кераклигини кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съезди 1 февраль куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Д. С. Ёдгоров**, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи **Э. Турсунов**, Хоразм область Гурлан район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари — район агросаноат бирлашмаси раиси **Т. Ортиқов**, Бухоро область «Узбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонтчи слесарлар бригадири **В. Ф. Стрельцов**, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри **П. К. Нўъмонов**, «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Самарқанддаги 17-автобаза ҳайдовчиси **Т. Б. Турдиматов** сўзга чиқдилар.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан резолюция қабул қилди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** якунловчи нутқ сўзлади.

Сўнгра съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбар органларини сайлашга ўтди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия Комиссиясини сайлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Делегатлар партия гимни — «Интернационал»ни ижро этадилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари **В. А. Аболенцев**, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектори мудирининг ўринбосари **И. Е. Пономарев** иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛАРИ

Аббосова О. С.
Абдувосиқов А.
Абдуллаев Р. Ҳ.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Абдурахмонов П. М.
Абдусаматов А.
Азимбеков О. А.
Айдарқулов А. А.
Олимжонов Б. Ғ.
Алимов В. М.
Алимов Т. А.
Алимова Ҳ.
Алламуродов Б.
Анишчев В. П.
Антонов В. А.
Орипжонов М. М.
Орипов И. Х.
Ортиқбоева Қ.
Асқаров А.
Асриянц С. А.
Аҳмедова М. А.
Отажонов А. Р.
Аширов А.
Ашуралиев Р.
Ашуров Қ.
Барулин А. И.
Бахромов С. М.
Берков Д. Д.
Белогуров Н. А.
Буканов А. А.
Бўриев И. К.
Бутурлин А. В.
Васильев Ю. С.
Ваҳобова Ф.
Воҳидов Ш.
Воеков А. С.
Ғафуржонов Э. Ғ.
Головин В. А.
Ғофурова Х.
Гудков Ю. П.
Дадажонова Д.
Жабборов И.
Жабборов Ш.
Жонибеков Ж. М.
Жуманиёзов М.
Жўрабеков И. Х.
Догонкин П. В.
Дуримбетов Қ.
Духанин В. Г.
Духанов Н. В.
Ефимов А. С.
Ешимбетова Т. А.
Журавлев В. Н.
Зазулин Д. А.
Захриддинов Ғ. З.
Иброҳимов М. И.
Иванушкина Р. Н.
Икромов А. С.
Эргашев А. Қ.
Исоқова М.
Исамуҳамедов Ҳ. О.
Искандаров А.
Искандаров И.
Искандаров М.
Исмонлов Ў. Қ.
Исмонлов У.
Исманов Х. И.
Игиталиев С.
Кадин А. Г.
Қодиров Ғ. Ҳ.
Каримов И. А.
Қаюмов Л.
Қаюмов П.
Қиргизбоева Т. Б.
Киселёва А. А.
Клепиков А. Ф.
Крайнов Г. А.
Кузнецова А. И.
Қўйбоқаров Х. Р.
Куксенко В. П.
Кунназаров Ў.
Қурбонов С.
Курочкин Ю. В.
Қўчқоров И.
Лобко В. Н.
Мажитов Ҳ.
Мадикаримова Д. Т.
Мақсудов П. С.
Мамарасулов С.
Мананников А. Г.
Манданов И. О.
Мардиева М.
Маҳамадалиев Қ. Ҳ.
Маҳмудов Б. М.
Маҳмудова Ш. Н.
Мирзаев М. М.
Мирқосимов М. М.
Мирсандов Ш. Р.
Михайлов В. К.
Мордвинова Е. М.
Мўминов А.
Мўминов Ў. Р.
Мусабеков Ҳ. Н.
Муслимов И.
Нарзуллаев Н.
Норқобилов А. А.
Неклесса Г. Г.
Нестеренко С. М.
Нишонов Р. Н.
Нўъмонов К. (Яшин)
Нўъмонов П.
Огарок В. И.
Плетнев В. И.
Попов Н. И.
Ражабов Н. Р.
Расулова Р. Б.
Раҳимов К.
Раҳимов У.
Раҳмонқулова Т.
Романовский А. П.
Рўзматов М.
Рўзиев Э. М.
Содиқов Қ. Ғ.
Салоҳиддинов М.
Салимов О. У.
Саликов К.
Сапаев Қ.
Сатин Б. Ф.
Сефершаев Ф.
Сидаков Г. Х.
Скворцов В. В.
Скворцова В. П.
Смеюшчев В. А.
Солдатов М. Ф.
Стефановский Г. А.
Стешенко Г. П.
Стрижнев С. И.
Султонова С. У.
Тавакалов В.
Тоиров Қ. Т.
Тошпўлатов М. С.
Туропов Н. Т.
Турсунов Э. Т.
Умарбеков Ў. Р.
Умаров И. С.
Умаров Ҳ.
Усатов Д. А.
Усмонова Х.
Усмонхўжаев И. Б.
Фозилбеков А. И.
Ҳабибуллаев А.
Ҳабибуллаев П.
Ҳожимуротов Ш.
Ҳайдаров З.
Ҳайдарова Ш.
Ҳайдуров В. А.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳалилов М.
Ҳасанов Ж.
Ҳасанов М. Ҳ.
Ҳидиров Т. П.
Ҳўжаева С. А.
Худойберганова Р.
Худойбердиева Ҳ. У.
Худойназаров П.
Чориев Р.
Шоёқубов Т.
Шерқулов М.
Шерматов А.
Эргашев Р. С.
Эсонов М.
Йўлдошев А. А.
Йўлдошев Т.
Юнусов Р. Р.
Юсупова И. Т.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубжонова Ҳ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Абдуллаев М.
Абдуллаев М. У.
Агабабян Р. Ж.
Антонов В. И.
Асанов А. Х.
Асепков Ю. А.
Аҳмадқулов С.
Аҳмедов Қ. А.
Балала В. И.
Бердиев Н.
Бердиев Х. Э.
Бугров Б. И.
Васенев В. М.
Ғонбов Н. Ё.
Гревцов Е. В.
Глушенкова А. И.
Губина Е. А.
Дадахонов И.
Дадабоев Ш. О.
Дудин К. П.
Ержанов С.
Еримбетов А.
Ефремов Б. В.
Жолудева Л. М.
Жўраев И.
Жўраева Р.
Зокиров Ў. О.
Иброҳимова Р.
Исаев Г. Г.
Исроилова Ф.
Қорабоев Ж.
Қориева Б. Р.
Каримова М. У.
Козирь А. В.
Қурбонов И.
Қурбонов С. Ш.
Кучерский Н. И.
Лапкин К. И.
Лозицкий В. А.
Мақсудов Т.
Маҳмудов О.
Наврўзова М.
Назаров Н.
Нарзиқулов М. П.
Неъматов Ў.
Пешков А. А.
Пирнапасов Х. А.
Пискунов Б. А.
Раззоқов А. С.
Раҳимов А.
Раҳимов М.
Раҳимов Т.
Раҳмонов Х.
Раҳмонова С. Н.
Руденко А. Г.
Содиқов М. К.
Салимов И. Х.
Сатторова Ж. К.
Сафаров Р. Р.
Синекопов П. И.
Стрельцов А. А.
Стрельцов В. Ф.
Сускин В. И.
Таранторова В. И.
Тоҳиров Р. Т.
Тошев Х.
Тен Х. Г.
Тепикин Л. Е.
Тўраев А. О.
Турик Б. Т.
Тўхлиев Н.
Умарбеков Ж. Ю.
Ўтегенов У.
Ҳайитбоев Э. Қ.
Ҳайтматов С. Х.
Ҳакимов М. С.
Ҳамидова Ф.
Хатамов Р.
Хомяк В. П.
Черноштан В. И.
Шодиева Р. Ж.
Шамшетов Д. Н.
Шаропов Х.
Ширинова Т. С.
Юсупов П. Ю.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Абдуқодиров С.
Абдурахмонов А. А.
Алимбоев Ж.
Алихўжаев Ў.
Аникин А. Н.
Отақўзиев У.
Аҳмедова М. Т.
Охунжонов С. С.
Бегматов У.
Беккулбекова Л. Ш.
Бердибеков Т.
Будзиевский Н. В.
Бурхонова М. С.
Давлетов И. И.
Емельянов Н. И.
Жумабоева Г.
Зондов М. А.
Змиевский А. Ф.
Эшбеков И. Д.
Қодирова Т. Ф.
Комарова Л. Е.
Коновалова В. Я.
Қурбонов Ғ.
Мансурова Ш. О.
Мирёқубов Т. М.
Мухторов А. Ғ.
Набиев Т.
Наврўзова Г. Н.
Наимова С. Н.
Ниёзов Ш.
Нурбоев М.
Нуржонов И.
Осовина Л. П.
Плотников В. А.
Раҳимов Н. Х.
Раҳмонов М. Р.
Раҳмонова С. А.
Ризаев С. Р.
Рўзматова Н. Т.
Сафронова М. Ф.
Сахатов Т.
Стрижкова М. В.
Султонова У.
Суюнов Ж.
Тожиев Б.
Тожимуротов М.
Тешабоев Ф. Ғ.
Турсунов У. Т.
Турсунов Ҳ.
Умеров Н. А.
Умрзоқов Ҳ.
Фахриддинова К. Н.
Ҳолиқов М. С.
Ҳамидов В. А.
Ҳамроев А.
Ҳатамов Т.
Худоёров П.
Чеховских В. М.
Йўлдошев П.
Юсупов И.
Ёқубов Ш.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА

ИНТЕНСИВЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Бир қанча иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари 1 февралда ўз ишларини тамомлади. Делегатлар иш якунларига талабчанлик, ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериб, иқтисодий ва социал ривожланишнинг барча соҳаларида коммунистларнинг сиёсий ва ташкилотчилик ишини такомиллаштиришнинг аниқ программасини белгиладилар.

МИНСК. Белоруссия Компартиясининг бўлиб ўтган XXX съезди делегатлари партия қўйётган вазифаларнинг янгилиги ва қўламларини таъкидлаганлари ҳолда республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, унинг мамлакат яхлит халқ хўжалиги комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга кафолат бўладиган дадил ва айни маҳалда илмий асосланган қарорлар қабул қилишни, зўр ғайрат билан ҳаракат қилишни талаб этмоқдалар.

Съезд ишининг якунловчи кунида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисидаги доклад муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар экономикани интенсивлаш йўлига ўтказиш йўлларини батафсил таҳлил қилдилар, хўжалик фаолиятига партия раҳбарлигини тубдан қайта қуриш, унинг сифат жиҳатидан янги даражасига ўтиш ғоят зарурлигини таъкидладилар.

Съездда Белоруссия Компартиясининг раҳбар органлари сайланди.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида Н. Н. Солюнков Марказий Комитетнинг биринчи секретари қилиб сайланди.

* * *

БОКУ. Озарбайжон Компартияси XXXI съезднинг якундловчи кунида делегатлар СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раиси Г. Н. Сеидовнинг докладини муҳокама қилдилар. Ўн иккинчи беш йилликда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш асосида саноат ишлаб чиқаришда разведка ва кон-пармалаш ишларини кучайтирадилар. Электр энергетика, нефтни қайта ишлаш, химия саноатида катта-катта қувватлар ишга туширилади.

Ана шу барча вазифаларни ҳал этиш учун деб таъкидлашди делегатлар, экономикага партия раҳбарлиги даражасини ошириш, республикада халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришни бошлаб берадиган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

* * *

ТАЛЛИН. Эстония Компартияси XIX съезднинг делегатлари ўн иккинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг учдан икки қисмига фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига эришиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Съезднинг якунловчи иш кунида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси Б. Э. Саулнинг доклади муҳокама қилинди.

Беш йиллик давомида миллий даромадни 1985 йилдагига нисбатан қариб 17 процент кўпайтириш мўлжалланади. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш масалаларига катта эътибор берилди.

Съезд делегатлари белгиланган вазифаларни бажариш учун ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг жанговарлигини ошириш, раҳбарларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга янада самарали жорий этиш, новаторларнинг техникавий ижодкорлигидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

* * *

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг пленумлари бўлиб, ташкилий масалалар кўрилди. К. М. Багиров Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, К. Г. Вайно Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайландилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

Б. Ф. Сатин нутқи

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Делегат ўртоқлар! КПСС-нинг XXVII съезди арафасида биз ўз амалий одимларимизни партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларида белгилаб берилган йўлга қиёслаб олишимиз керак. Бу йўл ҳамма соҳаларда амалий, соғлом маънавий-сиёсий муҳитни қарор топтиришдан иборатдир. Новаторона йўлнинг ўтказилишини Тошкент шаҳри коммунистлари ва меҳнаткашлари бутунлай қўллаб-қувватладилар.

Партия ташкилотлари ишида бошланаётган ўзгаришлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездда муҳокама қилинаётган докладида ўз ифодасини топди. Докладда юз берган чекинишлар, салбий жараёнлар ва ҳолатларга сиёсий баҳо берилган. Бугунги кун талаблари позициясида туриб шуни айтиш кераки, Компартия Марказий Комитети, Тошкент шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми фош этган эски иллатларнинг оқибатини тўла-тўкис бартараф этолмади.

Шаҳарда айрим марралар-гагина эришилди. Ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари бўйича беш йилликнинг контроль топшириқлари уддаланди. Мотор заводида, «Малика» бирлашмасида ва бошқа жойларда йирик объектлар ишга туширилди.

Бироқ, социал қарзлар ҳаддан ташқари кўп экан. Ўтган йили халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Беш йил ичида пландагидан ярим миллион квадрат метр кам уй-жой қурилди — бу ўн мингдан ортиқ квартира демакдир, 2,5 минг ўринли мактабгача муассасалар ҳам қуриб берилмади. Медицина муассасаларини ишга тушириш эса бор-йўғи 40—60 процент даражасида бўлди.

Бундай аҳвол социал масалаларни ҳал этишга аввало, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети нотўғри ёндошганлиги оқибатидир. Асосан планда белгиланмай «мўътабар» кишилар ва идораларнинг илтимос ҳамда кўрсатмалари билан қад кўтараётган объектлар алоҳида назорат остида бўлди. Қурувчиларнинг кучлари юлқилаб олиб кетиларди. Шаҳарни яхши иморатлар безаши керак. Уларнинг маълум бир қисми заруратдан қурилган. Ҳақиқатда кўпгина кўркам бинолар бор, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Бироқ, ҳашаматли, дабдабали қурилишлар меҳнаткашлар эҳтиёжларини камситиш ҳисобига олиб борилди.

Шаҳарсозликдаги номутаносибликлар бугунги кунда айниқса яққол кўриниб қолди. Шаҳарда 3 миллион квадрат метрдан ортиқ жуда эски, яшашга яроқсиз турар-жойлар бор, кўплаб медицина муассасалари ва болалар боғчалари ноқулай биноларга жойлашган. Янги микрорайонлар нокомплекс қуриб ташланмоқда. Инженерлик таъминоти, транспорт алоқаларини ривожлантириш анча орқада қолди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари бош планга риоя этилмай, мавжуд зарарли ишлаб чиқаришларни ташқарига чиқармай ишга туширилмоқда, бу эса шусиз ҳам кескин бўлиб турган экологик вазиятни мушкуллаштириб, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни мураккаблаштирмоқда. Янги иш ўринларининг катта қисми бошқа республикалардан таклиф қилинган малакали ишчи кадрлар ҳисобига тўлдирилмоқда. Ўз кадрларимизни тайёрлаш тўғрисида биз қайғурмадик. Натижада аҳоли сонининг йиллик беихтиёр ўсиши давом этмоқда.

Дарвоқе, бош план тўғрисида. 1983 йилда тасдиқланган бу план атиги 1990 йилгача ишлаб чиқилган ва икки йил давомида муттасил бузиб келинаётган экан, уни бош план деб атаб бўладими, 2010—2015 йилгача мўлжалланган янги бош план керак.

Саноат қурилишини олиб бораётган министрликларнинг иши танқиддан тубандир. Муддатида фойдаланишга топширилган объектни топиш амри маҳол. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш бўлими (ўртоқ Синекопов) мана шу нуқсонларни наҳотки кўрмаётган бўлса? Республика Госстройи (ўртоқ Ҳайдарова) бу проблемалардан ўзини четга олди, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳам ўрнак кўрсатмади.

Яқинда СССР Госплани ўн иккинчи беш йилликда Тошкент шаҳрини ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ташаббуси билан киритилган қарорни қабул қилди. Бу жуда катта ёрдамдир. Биз уни бажариш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз. Бироқ, саноат қурилиши учун пудратчи трестларни ривожлантиришни ҳам комплекс ҳал этиш керак. Бу трестлар ҳам шаҳарда уй-жойлар қуриши керак. Биз давлат план комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов юқоридаги масалаларни ҳал этишда ўз фикрини айтади, деб умид қиламиз.

Танқид қилиш осон, деб айтишлари мумкин. Ҳа, хатоларни тан олишдан кўра танқид қилиш осон. Бироқ мен бу гапни илгари йўл қўйилган хатолар такрорланмаслиги учун айтмоқдаман. Республикамиз пойтахти ҳам муаммолари ҳал этилишига барча республика министрликлари ва идоралари эътиборни қаратишга арзигулик шаҳардир.

Шаҳар партия ташкилоти шаънига техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида жуда тўғри танқид билдирилди. Ҳақиқатда кўпгина завод ва фабрикаларни реконструкция қилиш суст ва нокомплекс олиб борилмоқда, бу корхоналарнинг ярмидан кўпи эскирган технология, эски ускуналар билан ишламоқда. Қўл меҳнатининг ҳиссаси 50 процентни ташкил этади, кўп маҳсулотларнинг сифати паст, олий категориядагилари эса бор-йўғи 13 процентни ташкил қилади, буюмларга материаллар сафи жуда юқори.

Мана шундай вазиятда шаҳар партия комитети КПСС Марказий Комитетида 1985 йил июнь ойида бўлган кенгаш ғоялари билан қуролланиб, ўз ишини ҳам тубдан қайта қуриши, бошланғич партия ташкилотларидан ҳам ана шуни талаб қилиши лозим эди. Бироқ, афсуски шундай бўлмади.

Биз «Прогресс-90» комплекс программасини ишлаб чиқишга жуда кечикиб, эндигина киришдик. Марказий Комитет оғир саноат бўлими (ўртоқ Асриянц)дан методик ёрдам ҳам кутиш мумкин эди, бироқ бўлимнинг Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг саноат бўлимлари билан изчил амалий алоқалари йўқ. Мураккаб масалаларни ҳал этишдан бош тортиш, ишнинг нуқул хўжалик томони билан аралашиб қолиш сезилмоқда.

Докладда айтилганидек, фаннинг техника тараққиётига таъсири етарли эмас. Ҳақиқатда, шаҳарда 112 та илмий муассаса, республика илмий техник ходимларининг 70 процентидан ортиғи мавжуд. Лекин шаҳар партия комитети олимларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқариш мақсадларига бирлаштира олмади. Фандан олинаётган самара йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Бу тасодифий эмас. Илмий коллективлар фаолиятига партиявий раҳбарлик бўшаштириб юборилган ёки умуман йўқ эди. Шаҳар партия комитети фан бўлимининг асосий эътибори биринчи галда олий ўқув юртларидаги ўқув планларига қаратилиб қолган. Ҳозир шаҳар партия комитети олимларнинг тадқиқотларини ишлаб чиқаришдаги амалий ишлар билан қандай қилиб боғлаш йўлларини, улар ўртасида мустаҳкам шериклик алоқалари ўрнатишни изламоқда.

Илмий ечимлар самарадорлиги пасайиб кетганлиги сабабларидан бири яна шундаки, лозим даражада партия назорати йўқлиги туфайли айрим фан арбоблари ўз кучларини фангагина эмас, бошқа нарсаларга ҳам сарфлайдиган бўлиб қолдилар. Оилачилик, таниш-билишлик кўпгина олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда чуқур илдиз отиб кетди. Халқ хўжалиги институтида профессор-ўқитувчилар составидаги 70 киши қариндош-уруғ ҳисобланади, кейинги уч йил ичида қабул қилинган аспирантларнинг 30 процентга яқини ё раҳбар ходимларнинг, ё бўлмаса институт ўқитувчиларининг болаларидир. Масалан, ректор ўртоқ Шарифхўжаевнинг 5 та қариндоши институтга жойлашиб олган. Институт партия комитети қаёқда эди деб сўрарсиз. Партия комитетининг собиқ секретари ўртоқ Алиев бу ярамас ҳолларни атайлаб яшириб келди. У шаҳар партия комитети фан бўлимининг мудири бўлгач эса, институтдан тушаётган шикоятларни текширишга ҳар томонлама тўсқинлик қилди.

Бунақанги аҳвол фақат ана шу олий ўқув юртидагина эмас. Юксак аҳлоқ ва ғояларни тарғиб қилишга даъват этилган раҳбарлар —тарбиячилар ўз шахсий фароғатларини ўйловчиларга айланиб қолдилар.

Бу ҳақда гапирмаса ҳам бўлардику, бироқ бу ерда кадрлар тўғрисидаги масала турибди: биз кимларни тайёрлаяпмиз, қандай тайёрлаяпмиз ва бўлажак раҳбарлар учун ўзимиз қандай ўрнак кўрсатяпмиз.

Иқтисодчи олимларнинг катта группасини тайёрлашга ота-бола Зиёдуллаевлар бош-қош бўлишмоқда. Академик Зиёдуллаев — республика Фанлар академиясида докторлик ва кандидатлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш раиси, унинг ўғли Наби Зиёдуллаев эса яқин вақтларгача «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидаги худди шундай кенгашга бошчилик қилган, ҳозир —халқ хўжалиги институтида проректор. Профессионал нуқтаи-назардан қандайлигини билмайману, этика жиҳатдан бу яхши бўлмаса керак. Профессионал жиҳати ҳам айрим ҳолларда ўйлашга мажбур этади: Зиёдуллаевнинг ўғли бошлиқ кенгашда иқтисод фанлари кандидати номини олиш учун диссертация ёқлаганлар орасида шаҳардаги раҳбар ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, социал инфраструктура моделини ривожлантириб айни вақтда уй-жойларни талон-тарож қилган шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси ўртоқ В. О. Козимов, ёки автомобилларга техника хизмати кўрсатишни планлаштиришда илмий изланишлар билан шуғулланган ва ишни барбод этганлиги учун вазифасидан бўшатилган шаҳар давлат автоинспекцияси бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. И. Хўжаевларни кўрсатиш мумкин. Экономикага даҳлсиз бундай кишилар оз эмас эди.

Ҳали ҳам кўп кишилар оғизда XVI пленум қарорларини бажаришга даъват этиб, амалда ҳамон эскича хулқ-атворга ва қоралланган иш принципларига маҳкам ёпишиб олганлар. Партия комитетларида принципиаллик етишмагач тартиб ўрнатиб бўлармиди, эски тос эски ҳаммомлигича қолаверади-да. «Собиқ» бўлиб қолган раҳбар министрликлар, илмий тадқиқот институтлари аппаратларидан паноҳ топганлиги яна ўша эски хатоларни такрорлашга олиб келади-ку. Давлат план комитети партия комитетининг собиқ секретари Ш. З. Зуфаров нопоклиги учун ишдан бўшатилгач меҳнатни илмий ташкил этиш республика маркази директорининг ўринбосари бўлиб қолди. Ўзини обрўсизлантирган Ҳамза район халқ судининг раиси Набиева ҳозир республика энергетика ва электрлаштириш министрлиги юридик хизматининг бошлиғи бўлиб ишламоқда. Суиистеъмолликлари учун ишдан бўшатилган шаҳар ички ишлар бошқармаси патруллик-соқчилик хизматининг собиқ ходими Р. А. Саркисян телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети махсус автобазасининг директори этиб тайинланди. Бармоқ билан саноқли кишиларгина ишлаб чиқариш коллективларига кетишди. Энди ўтмишга қайтилмаслигини ва ишнинг бўшаштирилмаслигини ниҳоят ҳамма тушуниб етиши керак. Биз тартибни ўрнатмоқдамиз, ўрнатамиз ҳам. Бу қийин, лекин ҳаётий зарур иш, сиёсий етукликка жиддий имтиҳондир. Биз ундан шараф билан ўтишимиз керак.

Янгича шарт-шароитлар ташкилий-партиявий ишда янги усулларни, кадрлар сиёсатида янгича ёндашишни тақозо этади. XVI пленумдан сўнг кадрларни танлаш ва резервни вужудга келтириш методларида чуқур қайта қуриш талаб қилинди. Бу ишда Компартия Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий бўлими, унинг мудири ўртоқ П. В. Догонкин намуна кўрсатиши керак эди. Бироқ, янги талаблар эски усуллар гирдобида қолиб кетди. Кадрлар кўплаб алмашилган пайтда айниқса, ҳисобот арафасидаги даврда янгиларини шоша-пиша излаш бошланди. Шунда резерв бўм-бўшлиги кўриниб қолди. Резерв аслида анкеталарга қараб, ишда синаб кўрилмай ўрганилганлиги учун ҳам шундай аҳвол рўй берди. Масалага бундай ёндашиш кўпгина партия комитетларига хос эди. Шаҳар партия комитети ҳам эскирган усуллар таъсиридан қутула олмади. Бугунги кунда кадрларнинг ўрнига қўйиладиган резервда ишлаб чиқариш коллективлари вакиллари жуда оздир.

Партия ва совет ходимлари кадрларининг кўпчилиги ўзгарди, лекин янги кадрларнинг ташаббуси аппарат ишининг эски механизми таъсирида турганлиги кишини ташвишга солади. Партия ва совет ишига янги келганларни махсус программа асосида ўқитиш ва ўргатиш керак. Эҳтимол, ана шу контингентни тайёрловчи республика мактаби тўғрисида ўйлаб кўриш керак бўлар.

Тасдиқланаётган кадрлар номенклатурасини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим. Кўпинча келишиб олишга кўп вақт кетади. Район ва шаҳар партия комитетларини четлаб ўтиб уларнинг номенклатурасига кирадиган мансабдор шахсларни Марказий Комитет тавсиялари билан тайинлаш ҳоллари оз эмас.

Партия комитетлари барча бўлимлари ва уларнинг мудирлари услубини янада такомиллаштириш, уларнинг роли ва обрўсини кўтариш талаб қилинади. Улар қабул қилинган қарорларнинг фақат муаллифларигина бўлиб қолмай, бу қарорларни бажариш ва назорат қилишнинг ташкилотчилари ҳам бўлиб чиқишлари керак.

Шаҳар партия комитети амалий фаолиятда уюшқоқликка ҳаракат қилмоқда. Камроқ кенгашлар ўтказмоқдамиз, район партия комитетларига кўпроқ мустақиллик бердик, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларига бориб турибмиз. Бироқ, ишимиз услубида ҳамон кечаги хатолар ўзини сездириб туради.

Ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Уларда ўткир, партиявий руҳда сўзлашиб олинди. Биз коммунистлар ва меҳнаткашлар олдида камчиликларни тугатиш юзасидан катта мажбуриятлар олдик. Бинобарин, ҳозир асосий вазифамиз ўша ваъдаларимиз қуруқ сўз бўлиб қолмаслигига эришишдан иборат. Вунинг учун эса астойдил ишлаш лозим. Пойтахт партия ташкилотидаги аҳвол бизни ана шунга мажбур этади.

Тошкент шаҳри коммунистлари бугун съездда қўйилган вазифаларни ҳал этишда қатъият кўрсатиб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар.

Ҳисобот докладида Марказий Комитет бюроси, секретарлари фаолиятига берилган партиявий ошкора, ўз-ўзини танқидий баҳо етукликдан далолат бўлиб, бундай сўзлашув — республика коммунистларига нисбатан катта ҳурмат белгиси ҳамдир. Республикада вазиятни соғломлаштириш борасида кейинги вақтларда бажарилган ишларни эътиборга олиб Марказий Комитет ишини қониқарли, деб топишни таклиф қиламан.

В. Т. Одилов нутқи

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадири

Делегат ўртоқлар! Тошкент самолётсозларининг кўп минг кишилик коллективи шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми материалларини зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилишни давом эттирмоқдалар. Партиямизнинг съездолди программавий ҳужжатларининг ҳар бир сатрида совет кишиларининг бахт-саодати ва фаровонлиги, планетамизда тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги улкан ғамхўрлик янги куч билан намоён бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти тинчлик ҳақидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлди. Бу ҳужжатда босқичма-босқич қуролсизланишнинг, инсониятни ядро ҳалокати хавфидан ҳолос этишнинг изчил ва реалистик программаси олдинга сурилган.

Бирлашмамизнинг ҳар бир коммунисти, ҳар бир меҳнаткаши партиямизнинг янги, кенг кўламли тинчлик ташаббусларини якдиллик билан маъқулламоқда ва қизғин қўллаб-қувватламоқда. КПССнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни тезлаштириш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик йўлини ўзининг жонажон иши деб билмоқда. КПСС унинг Марказий Комитетининг ҳамма жойда тартиб ва уюшқоқликни таъминлаш, бизнинг социалистик воқелигимизга ёт бўлган камчиликлар ва ҳодисаларни қатъий бартараф этиш ва таг-томири билан тугатишга қаратилган қатъий, изчил йўли бутун халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда.

Ҳисобот докладидан ҳозирги вақтда республикада ҳамма жойда турли хил салбий ҳодисаларга қарши кураш кучаяётганлиги, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижобий жараён бораётганлиги кўриниб турибди.

Бу йўлни бундан буён ҳам қатъийлик билан ўтказиш, эришилган ютуқлар билан хотиржамликка берилмаслик керак, чунки ҳали бизда кўп камчиликлар бор. Шундай камчиликлар бизнинг корхонамизда ҳам анчагина мавжуд.

Бирлашма ўн биринчи беш йиллик давомида план-топшириқларни муттасил бажариб борганига қарамай, унинг фаолиятида анчагина нуқсонлар содир бўлди. Уюшқоқсизлик ҳоллари, иш вақтини фойдасиз йўқотиш давом этмоқда, бу вақтнинг ўрнини эса кўплаб ишдан ташқари вақтларда ва дам олиш кунларида ишлаш орқали тўлдиришга тўғри келди.

Интизомни бузувчилар ҳали ҳам бизга катта ташвиш туғдирмоқда. 1985 йилда ишга кечикиб келиш сони 1,2 баравар ошди. Ичкиликбозлик ҳоллари ва у билан боғлиқ бўлган турли хил интизомни бузиш ҳоллари камаймаяпти.

Ваҳоланки, ҳар бир меҳнаткашда ўзининг партиявий ва гражданлик бурчини бажаришга масъулият билан муносабатда бўлишни тарбиялаш учун бизда катта имкониятлар бор. Масалан, биз меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтгандан сўнг бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бригадаларда прогуллар, ишга кечикиб келишлар, бракчилар сони кескин камайди. Бироқ, бирлашманинг кўпгина партия ва хўжалик раҳбарлари камчиликлар ва интизом бузилишини бартараф этиш учун курашда меҳнат коллективларининг ролига ҳали ҳам тўла баҳо бермаяптилар, маъмуриятчилик билан шуғулланадилар.

Ҳозир бутун республикамиздаги каби бирлашмада ҳам шундай камчиликларга қарши принципиал кураш бошланди.

Ҳисобот докладида қудратли техника билан жиҳозланган корхона халқ истеъмоли учун ҳозирча фақат болалар аравачаси ва бошқа оддий буюмлар ишлаб чиқармоқда деб, бизни жуда тўғри танқид қилдилар. Биз бундан хулосалар чиқариб олдик, ҳозирги вақтда бирлашмада техник жиҳозланган янги корпус қурилмоқда. Бу яқин йиллар ичида халқ учун кишилар эҳтиёжлари ва корхонамиз маркасига жавоб бера оладиган товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради.

Сўнгги вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети амалий ишига кириб бораётган ушбу услубни маъқуллаб, Марказий Комитетнинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб баҳолаш ҳақидаги таклифга қўшиламан. Шу билан бирга партия Марказий Комитети фаолиятида, айниқса, ўзи томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат масалаларида катта камчиликлар бўлди, деб ҳисоблайман.

Масалан, Авиасозлар посёлкасида иссиқлик таъминотини ривожлантириш, Қорасув канализация коллекторини, савдо маркази ва 97-АТСни қуриш билан боғлиқ бўлган қарор қабул қилинган эди. Бироқ, бу қарорлар амалга оширилмай қолди. Савдо, алоқа, қурилиш министрликлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бу объектларни ишга тушириш бўйича мўлжаллашган навбатдаги муддатларига эндиликда ишониш қийин. Бу Марказий Комитет ходимларига маълум эмасми, ваҳоланки улар кўплаб хат ва шикоятлар олган бўлишса керак? Шуниси афсусланарлики, партия, совет органлари томонидан назоратнинг йўқлигини кўрсатувчи мисоллар бизда кам эмас. Транспорт иши танқид қилинмаган бирорта ҳам йиғилиш амалда бўлмаган бўлса керак. Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларида ҳам бу ҳақда кескин гапирилди. Нима ўзгарди? Транспорт ёмон ишлаган эди, ҳозир ҳам шундай ишлашни давом эттирмоқда. Мен цехдаги ўз дўстларим билан съезддаги нутқим тўғрисида маслаҳатлашганимда улар лозим деб ҳисоблаган нарсанг ҳақида гапиргину, лекин транспорт муаммосига тегмагин —чунки бундан ҳеч қандай фойда бўлмайди дейишди.

Ишчилар синфи меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазаларига бефарқ муносабатда бўлаётган раҳбарларга шундай баҳо бермоқдалар. Бу бундан буён шундай давом этиши мумкин эмас. Марказий Комитет, Министрлар Советининг масъул ходимлари, мутасадди республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари кескин чоралар кўришлари керак.

Ҳисобот докладида меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш ҳақидаги масала тўғри кўтарилган. Амалда шундай бўляпти?— Биз уй-жойлар қурмоқдамиз, барча шаҳарлар ва районлардан кадрлар таклиф этяпмиз. Айни вақтда эса, шаҳар партия конференциясида эшитганингиздек, биргина Тошкентда минглаб киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинмаган. Район Советларининг ижроия комитетлари бу иш билан ҳаддан ташқари суст шуғулланадилар. Бундай аҳволга хотима бериш учун бизда куч ва имкониятлар етарли бўлса керак. Бу ишда тартиб ўрнатиш экономика проблемаларига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга шаҳарда ахлоқий-психологик муҳитни анча соғломлаштириш имконининг беришига ишонаман.

Хўжасизлик ва бепарволикка қарши кураш масаласи кескин турибди. Совет демократияси бизнинг ҳар биримизга ўзини мамлакатнинг хўжайини, ғамхўр, ташаббускор хўжайини деб ҳис қилиш ҳуқуқини бериб қўйибди. Лекин ҳали биз бу ҳуқуқдан ёмон фойдаланяпмиз. Орамизда заводдан винтча олиб кетишни, квартирани газ плитаси билан иситишни, танаввул этилмаган нон бурдасини ташлаб юборишни, водопровод суви, электрни исроф қилишни уятли деб ҳисобламовчи кишилар ҳали ҳам кам эмас. Ваҳоланки, биз мана шундай бефарқликка индамай ўтамиз, айбдорни коймаймиз, кўпинча танбеҳ беришдан тортинамиз.

Партия ташкилотлари кишиларда коммунистик ахлоқни, тежамкорлик ҳиссини, ишлаб чиқаришда, шунингдек, рўзғорда фойдаланилаётган бойликка оқилона муносабатда бўлишни шакллантириш юзасидан ишни анча яхшилашлари лозим. Бунинг учун қонун кучидан ҳам, коллектив таъсиридан ҳам фойдаланиш керак, лозим бўлса жарима билан жазолаш зарур.

Бизнинг токарлар бригадамиз квартал планини КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олди. Бирлашма коллективи мамлакатимиз коммунистларининг съезди шарафига 15 февралда ўтказиладиган шанбалик куни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга қарор қилди.

Қ. Ғ. Содиқов нутқи

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ўртоқлар! Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори «Электрохимпром» бирлашмаси коллективи ҳам СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини қизғин маъқуллайдилар. Бу катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлган ҳужжатда партия томонидан қўйилган кенг кўламли вазифалар бевосита бизга, минерал ўғитлари ишлаб чиқарувчи тармоқ ходимларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳисобот докладида ва асосий йўналишлар бўйича докладда бизнинг корхонамиз шаънига ва менинг шаънимга қаттиқ, лекин адолатли танқид айтилди.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозир партия халқ хўжалигини тубдан қайта қуриш, бизнинг олға томон боришимиз суръатларини жадаллаштириш ишини олиб бораётган бир пайтда эскичасига ишлаш, давлат планларини бажармаслик, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини барбод этиш мутлақо мумкин эмас.

Кейинги йилларда корхона қатор муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичларни муттасил уддалай олмади. Ўтган беш йилликда бирлашма коллективи ҳаммаси бўлиб салкам 93 миллион сўмлик товар маҳсулотини кам берди. Бу бирлашмада импорт асбоб-ускуналари ҳолати устидан мунтазам назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларнинг кўрилмаганлиги, ишлаб чиқаришларнинг лозим моддий-техника таъминоти амалга оширилмаганлиги оқибатидир. Таъминот масаласи кўпинча лозим инженерлик таъминоти ва истиқболни ҳисобга олмасдан «шошилинч сурат»да ҳал қилинди. Асбоб-ускуналарни янгилаш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган цехларни реконструкция қилиш бўйича зарур таъсирчан чоралар кўрилмади.

Бирлашма раҳбарлиги қурилиш ташкилотларини қурилаётган кислота ишлаб чиқаришлари учун зарур бўлган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминламади. Бунинг оқибатида Чирчиқда ва Тошкент областининг шаҳримиз атрофидаги районларида нохуш экология вазияти вужудга келди. Шу муносабат билан табиий муҳитни муҳофаза қилиш территориал органларнинг талаби билан айрим ишлаб чиқаришларни тўхтатиб қўйишга тўғри келди.

Кадрлар билан ишлашда кўпгина камчиликлар бор. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида эътибор ва ғамхўрликнинг йўқлиги, бошқа социал масалалар ҳал қилинмаганлиги оқибатида кўпгина тажрибали мутахассислар корхонадан кетишга мажбур бўлдилар. Уларнинг ўрнини босадиган мутахассисларни ўз вақтида тайёрламадик.

Ана шундай мураккаб вазиятда коллективнинг раҳбари сифатида мен ва бирлашманинг партия комитети бутун диққат эътиборни танг жойларни тугатишга қарата олмадик, ҳамма иш участкаларида юксак интизом ва масъулиятни таъминлай олмадик. Биз хўжасизликка ва дабдабабозликка, хўжакўрсинчиликка қарши кураш ҳақида кўп баландпарвоз сўзлар айтдигу, бироқ амалда камчиликлар ҳақида лом-мим демай келдик ва ютуқларни бўрттириб кўрсатишни давом эттирдик. Ҳозир КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг интизомни ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги принципиал кўрсатмаларидан тегишли хулоса чиқариб, ўтган йиллардаги хатолардан сабоқ олиб, бирлашма раҳбарлиги ва партия комитети қолоқ ишлаб чиқаришларнинг ишини стабиллаштириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқдилар ва уларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, капролактам ва аммиак ишлаб чиқарувчи катта тоннажли агрегат ишини яхшилаш учун шарт-шароит яратилди.

Коммунистлар, ҳар бир меҳнатчига нисбатан интизом ва ижрочилик даражаси учун талабчанлик оширилди, ишдаги камчиликлар учун қаттиқроқ жавоб талаб қилина бошланди. Аммо булар коллективни мустаҳкамлаш, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасидаги , катта ишнинг бошланиши, холос.

Шу муносабат билан лойиҳалаш институтлари иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб чиқишга тор маҳкамачилик назаридан ёндашаётганликлари оқибатида ишлаб чиқилаётган лойиҳаларни амалга оширишнинг экологик оқибатларини ҳисобга олмаётганликларини уқтириб ўтмоқ керак.

Шунга мувофиқ Асосий йўналишлар лойиҳасининг 11-бўлими охирги абзацидаги «Автомат асбоб ва ускуналар билан техникавий жиҳозланиши яхшилансин» сўзларидан кейин «ишлаб чиқилаётган технологиялар ва ишлаб чиқаришларнинг экологик оқибатлари учун лойиҳа институтларининг масъулияти оширилсин» деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф қиламан.

Ўртоқлар! Ҳар қандай мураккаб ишлаб чиқариш, айниқса, химия ишлаб чиқариши ҳам ремонт базасисиз барқарор ишлай олмаслиги ҳаммага маълум. Бироқ, бизнинг бирлашмамиз қурилиши ва реконструкция қилинишида маълум бўлган бу принцип доим бузиб келинмоқда. Масалан, капролактам ишлаб чиқаришини қуришда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ишга тушириладиган қувватларни фойдаланишга топширишдаги қолоқликни тугатиш учун юқори органларнинг розилиги билан ремонт базасини ишга тушириладиган комплексдан чиқариб ташлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш ва оғир саноат бўлимлари, секретарлари буни билар эдилар. Бунинг учун биз ўзимиздан ҳам айбни соқит қилмаймиз, чунки биз бу масалада принципсизлик қилдик, бинокорлар изидан бордик. Натижада шу пайтгача ремонт базаси йўқ. Мана шу жиддий камчиликлар учун ҳеч ким жазоланмади, аксинча кўп киши мукофот олди.

Ўтмиш ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўларди. Бироқ, мана шундай яроқсиз практика ҳамон давом этиб келмоқда. Шунинг учун мен Марказий Комитет бюроси бундай чалакамчатти қарорларга йўл қўйиб бераётган кишилардан қаттиқ талаб қилиши кераклигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Бирлашманинг социал базасини ривожлантириш масалалари ёмон ҳал этилмоқда. Кейинги 10—15 йил ҳатто 20 йил мобайнида социал-маданий объектлар кенгайтирилмади ва реконструкция қилинмади. Уй-жой шароитини яхшилаш учун бирлашманинг 1200 дан кўпроқ ходими навбат кутиб турибди. Бирлашмада умуман Чирчиқдагина эмас, Олмалиқда, Оҳангаронда ва областнинг бошқа районларида ҳам уй-жой муаммоси кескин бўлиб қолмоқда ва шу билан боғлиқ меҳнат ресурсларининг етишмаслиги сезилиб турибди. Айни вақтда бу ерларда янги саноат объектлари қурилиши доимо олиб борилмоқда. Бунинг оқибатида иш ўрнининг ортиши меҳнат ресурсларининг ортишида илдамлаб бормоқда. Ваҳоланки, Ангренда, Паркент ва бошқа районларда ишчи кучи керагидан ортиқча мавжуд. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан Госплани ўн иккинчи беш йилликда мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва янгиларини жойлаштиришда меҳнат ресурслари мавжудлигини тўлароқ эътиборга олишлари керак.

Ўртоқлар! Ишлаб чиқариш, иқтисодий ва социал вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан раҳбарга унинг билимдонлигига, масъулиятлилиги, иш услубига боғлиқ бўлади. У қуйин бўлинмаларда, меҳнат коллективларида доимо бўлиб туриши, кишилар билан шахсан мулоқотда бўлиши, юқори органларнинг муҳим қарорлари ва ўз фармойишларининг бажарилишини назорат қилиши керак.

Хўш, амалда қандай бўляпти? Менинг иш куним кўпинча турли идораларга, кенгашларга боришдан, кўпдан-кўп комиссияларда бўлишдан бошланади ва тугайди. Ниҳоят мажлисбозликни тартибга келтириш пайти келди. Аммо иллат бундагина эмас. Биз кенгашларда кўп вақтни зое ўтказамиз, қабул қилинган қарорлар ва берилган ваъдалар эса аксарият ҳолларда бажарилмайди. Бу кўпинча шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, партия Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ўз қарорларининг бажарилишини етарли равишда назорат қилмаяптилар. Масалан, биз ўн йилдан бери 220 ўринли ошхонани ишга туширишга эриша олмаяпмиз, капролактам ишлаб чиқаришдаги маиший бинолар қурилиши бир неча йилдан бери ниҳоясига етмаяпти. Бу хусусда тузилган махсус тадбирларни республика Министрлар Советининг раиси ва Иттифоқ министрлиги тасдиқлаган эдилар. Бироқ бу тадбирлар бажарилмаяпти. Министрлар советининг бўлими тасдиқлаган бу тадбирлар қандай амалга оширилаётганлигини бирор марта ҳам жиддий текшириб кўрмади. Ҳатто, кўпгина масалалар Москвада ҳал қилинди, бу ерда эса фақатгина ўзимизга боғлиқ бўлган маҳаллий масалалар афсуски, ҳал қилинмаяпти.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун, корхоналар раҳбарларининг коллективга нормал раҳбарлик қилиш ва ижодий ишлаши йўлида зарур шароитларни таъминлаб бериш учун маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кескин ошириши лозим.

Ўртоқлар! Чирчиқ коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган планни ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарадилар, деб съезд делегатларини ишонтиришга ижозат бергайсиз. Бирлашмамиз коллективи съезд очиладиган кунгача пландагидан ташқари натурада 15 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилишини таъминлади. КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача эса пландагидан ташқари 25 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Капролактам юзасидан белгиланган планни биринчи марта ошириб бажарамиз, биринчи кварталда пландагидан ташқари 1 миллион сўмлик капролактам ишлаб чиқарилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. 10573 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б. 1537. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12